



МОВАРОУННАХРДА ІХ-ХІІ АСРЛАРДА ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ  
РИВОЖИ ТАРИХИДАН

Умарова Нигорам Муҳаммадовна.

Фарғона вилояти, Олти ариқ тумани,

2-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси.

**Аннотация:** Мақолада ІХ-ХІІ асрларда Мовароуннахрда илм-фан таракқиётига катта ҳисса қўшган алломалар, уларнинг илмий фаолияти, ихтиролари, асарлари ҳақида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Илм, маданият, алгебра, дин, қурилиш, араб тили, Боғдод.

**Аннотация:** В статье рассказывается об ученых, их научной деятельности, изобретениях и трудах, внесших значительный вклад в развитие науки в Мовароуннахре в ІХ-ХІІ веках.

**Ключевые слова:** наука, культура, алгебра, религия, строительство, арабский язык, Багдад.

**Annotation:** the article describes the scientists, their scientific activities, inventions, works that made a great contribution to the development of Science in the ІХ-ХІІ centuries in Movarounnahr.

**Keywords:** Science, culture, algebra, religion, construction, arabic, Baghdad.

Мовароуннахрда ІХ-ХІІ асрларда маънавий ҳаётининг асоси ислом мафқураси бўлиб, она тилидан кўра араб тили ва ёзувини яхшироқ билган билимдонлар пайдо бўлди. Маҳаллий билимдонлар ўз ватанида қувғин остига олиниб, кўпгина толиби илмлар халифаликнинг марказий шаҳарлари-Дамашқ, Қоҳира, Бағдод,





Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Давлатни бошқаришда аббосийлар маъмурияти кўплаб билимдон сиймоларга мухтож эди, чунки араблар орасида шу даврда давлат ишига яроқли бўлган билимдорлар ҳали оз, борлари ҳам заиф эди.

Энг машҳур маданият маркази шу даврда Бағдод шаҳри эди. Бағдодда «Байт ул ҳикма» (донишмандлар уйи) ташкил этилган эди. «Байт ул ҳикма»да Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар таълим олганлар. IX-X асрларда Ўрта Осиёда фан илмий асосларга эга эди. Унинг илдизлари Ўрта Осиё, айниқса, Хоразм, шунингдек Бобил, Эрон, Ҳиндистоннинг антик дунёсига ва қадимги маданиятига бориб тақалар эди. IX-XII асрларда араб тилида асарлар ёзган энг машҳур олимлар Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абусалх Масихий, Абулхайр Хам-мар, Абуносир Аррон ва бошқалар эди.

1998 йил Аҳмад Фарғонийнинг 1220 йиллиги нишонланди. Аҳмад Фарғоний астроном, математик, географ эди. Бағдод яқинда Рақоқ номли мавзеда расадхона қурилишига бошчилик қилиб, астрономия мактабини ташкил этади. Унинг «Астрономия асоси», «Самовий ҳаракатлар», «Юлдузлар ҳақидаги фан» номли асарлари машҳурдир. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий машҳур математик, астроном, географ, тарихчи эди. Ватандошимиз алгебра фанига асос солди. Унинг «Ал-жабр», «Зиж», «Қуёш соати ҳақида рисола», «Суръат ул-арз», «Устурлоб ҳолати ҳақида рисола» каби асарлари Шарқ ва ўарб мамлакатларида илмий фикрларнинг ривожига самарали таъсир кўрсатди.

Абу Наср Фаробий Шарқ фалсафасининг улуғ мутафаккири бўлиб, қадимги дунё фалсафий меросини сақлашда ва ривожлантиришда катта ҳисса қўшди. У 160 дан ортиқ асар ёзган, улардан «Аристотелнинг «Метофизика» асари мақсадлари ҳақида», «Муסיқа китоби», «Бахт-саодатга», «Сиёсат ал-мадония»





шулар

жумласидандир.

Абу Али ибн Сино икки соҳага- медицина ва фалсафага қизиқди ва бу соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. («Ал-қонун фит-тиб», «Китоб уш-шифо», «Донишно-ма», «Рисолат ат-тайр»). XVII асрга қадар Европада тиббиёт тажрибаси ва фани Ибн Сино ғоялари таъсири остида бўлган.

Хоразм маданияти хоразмлик улуғ олим Абу Райҳон Берунийнинг номи билан боғланган. Абу Райҳон Беруний 150 дан ортиқ илмий асар ёзган бўлиб, «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Метеорология» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беруний илм-фаннинг ҳамма соҳаларини яхши билган қомусий олим эди. У астрономия, геология, гидростатика, география, тарих фанларга катта ҳисса қўшди.

XI-XII асрларда ижтимоий фанлар ҳам анчагина тараққий этди. Масалан, шоир Абу Абдулло Рудакийнинг прозаик асарлари, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Гардизийнинг «Зайн-ул-бахор» («Гўзал хабарлар») асари, Мажидиддин Адмонинг «Тарихи мулки Туркистон» («Туркистон тарихи»), Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадғу билик» асарлари шу даврга оид бўлиб, ундан ташқари шу даврларда Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Амак Бухорий, Сўзани Самарқандий кабилар ҳам ижод этдилар.

Бу давр Ўрта Осиёда меъморчилик санъати ҳам гуркираб ривожланди. Бухорода Дехгарон, Масжиди калон, Намозгоҳ, Мағоки Атторий масжидлари, Сурхондарёдаги Жарқўтон минораси, Кўҳна Урганчда Фахриддин Розий мақбараси, Марвдаги Султон Санжар мақбараси, Талхожанбобо масжиди ва бошқа ёдгорликлар меъморчилик санъатининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

I X-XII асрда дунёвий фанлар билан бирга диний билимлар ҳам кенг ривожланди. Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурхонуддин Марғилоний, Абу Хафс Кабир Бухорий каби уламолар ислом таълимотининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида





Бухоро шаҳри марказий ўрин эгаллади. Гасаввуф таълимоти ривожланиб Ўрта Осиёда унинг турли хил йўналишлари (XII асрда Туркистонда Яссавия, XIII аср охирида Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақшбандия) пайдо бўлди ва тарқалди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Nazirjonovna, K. Z. (2022). SH. VOKHIDOV'S CONTRIBUTION TO THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANATE. *Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects*, 139-141.
2. Хатамова, З. (2021, August). EXPENDITURE OF INCOME FROM TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1230>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.05).
3. Muhiddinovich, B. I. (2020). Negative impact of the tax system on political life-on the example of the history of the Kokand Khanate (1850–1865). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 790-795.
4. Burkhonov, I. M. (2020). “Zakat” has ensured fairness and balance in society. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 05 (85), 201-204. [Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-8](http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-8)
5. Burkhonov, I. (2021, August). THE IMPORTANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ASOMIDDIN URINBOYEV IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANAT: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1242>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.05).
6. Burkhonov, I. (2021, June). THE IMPORTANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ASOMIDDIN URINBOYEV IN THE STUDY OF THE





- HISTORY OF THE KOKAND KHANAT. In *Конференции*.
7. Бурхонов, И. М. (2019). ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ХАЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (1850-1865). *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (19).
  8. Бурхонов, И. М. (2020). «ЗАКОТ»-ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 3(5).
  9. Хатамова, З. Н. Особенности налоговой системы Кокандского ханства / З. Н. Хатамова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 5 (295). — С. 254-256. — URL: <https://moluch.ru/archive/295/66918/>
  10. Nazirjonovna, N. Z., & Abdumannobovich, N. M. (2020). Tax system on the territory of kyrgyzstan during the Kokand Khanate. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6), 209-212.
  11. Xatamova, Z. (2020). Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the kokand khanate. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 5(3), 274-277.
  12. Хатамова, З. (2021, August). EXPENDITURE OF INCOME FROM TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1230>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
  13. Хатамова, З. Н. (2020). ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1№ 4).
  14. Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. *INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN. Look to the past. 2020, SI, pp.590-595*

